Қиёмат қойим бўлмайди, токи қабр ёнидан ўтаётган киши: «Қани эди унинг ўрнида мен бўлсам», деб айтмагунича», – дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат қойим бўлмайди, токи қабр ёнидан ўтаётган киши: «Қани эди унинг ўрнида мен бўлсам», деб айтмагунича», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда токи қабр ёнидан ўтаётган киши қабрдагининг ўрнида ўлик бўлишни умид қилмагунча Қиёмат қоим бўлмаслигини хабар бердилар. Бунга сабаб, фитна, маъсият ва мункар ишлар зоҳир бўлгани учун ботил ғолиб келиб, динидан махрум бўлишидан қўрқишидир.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65022